XALQ DEPUTATLARI SERGELI TUMANI KENGASHI
QARORI

2022 - yil 31 - mart II-65-42-14-201-K/22 Sergeli tuman hokimligi

Халқ депутатлари Сергели туман Кенгаши ва Сергели тумани ҳокимининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2021 йил 15 ноябрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 19-мҳ-сонли буйруғига мувофиқ Сергели туман адлия бўлимининг 2022 йил 7 мартдаги 7/121-сонли тақдимномасини инобатга олиб, Халқ депутатлари Сергели туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Сергели туман адлия бўлимининг 2022 йил 7 мартдаги 7/121-сонли тақдимномаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари Сергели туман Кенгаши ва Сергели тумани ҳокимининг қуйидаги қарорлари ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Халқ депутатлари Сергели туман Кенгашининг 2020 йил 31 декабрдаги “2021 йил учун Сергели тумани маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги 151/2-29-сонли қарори;

Халқ депутатлари Сергели туман Кенгашининг 2021 йил 21 январдаги

“Сергели туманида жойлашган юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича 2021 йилда солиқ ставкасига қўлланиладиган коэффициентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 164/2-31-сонли қарори;

Сергели тумани ҳокимининг 2014 йил 29 декабрдаги “Сергели туманининг 2015 йилги маҳаллий бюджет параметрлари тўғрисида”ги 965-қ-сонли қарори;

Сергели тумани ҳокимининг 2016 йил 11 январдаги “Сергели туманида 2016 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги 11-сонли қарори;

Сергели тумани ҳокимининг 2019 йил 7 январдаги “Сергели туманининг 2019 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида”ги 7-қ-сонли қарори.

3. Туман ҳокимлиги (А.Жумабоев) ва Халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти (Ж.Мирзаев):

қонунчиликка мувофиқ белгиланган тартибда тегишли ҳужжатларга ўзгартириш киритилсин.

4. Мазкур қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Ушбу қарор туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Сергели туман Кенгашининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси раиси У.Мухамедов ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Жумабоев зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Сергели туман Кенгаши раиси **Э.Шукуров**